

ШАХСЛАРГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН НОМУСГА ТЕГИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ ТУРЛАРИ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Бабажанов Бобуржон Радж ўғли

Калит сўзлар: Номусга тегиши, Номус, зўрлик ишлатиш, жинсий эхтиёжни ғайратабий усулда қондириш

Аннотация: Шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг профилактикаси юзасидан аниқ ва мақсадли чора-тадбирлар тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги жиноятчиликка қарши курашнинг самарали бўлишигасалбий таъсир қўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда мамлакатда жиноятчиликнинг умумий қўрсаткичлари пасайишига эришилганига қарамасдан, айрим оғир ҳудудларда жиноятчиликнинг кўрсаткичи ошганлиги ҳамда айрим турдаги жиноятларнинг содир этилиши кузатилмоқда.

Annotation: In this graduating moral work, the followings are described the concept of the inspector of prevention for teenage misbehavior, the types of teenage crime prevention, the ways of carrying out these types, their current situations prevention, the analysis of practice of working with teenagers and the similarities and contrasts with them in our national law system, with the approaches to develop the field by using the above-mentioned aspects.

Республикамизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуqlari ва қонуний манфаатларини таъминлаш, турли таҳдид ва тажовузлардан ишончли ҳимоя қилиш, хусусан, оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишининг маънавий, ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди. Мазкур қонун ҳужжатлари талаблари асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, оила манфаатларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларни ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича республика «Оила» илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласидаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими, Ўзбекистон «Ёшлар иттифоқи» каби маҳсус институтлар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти такомиллаштирилмоқда. Айтиш жоизки, Бош прокуратура ўз ҳисоботида, 2020 йилда номусга тегиши ҳолатлари 27,7 фоизга ошганлигини баён қилган. 2021 йида ички ишлар органларига хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан 6 39 343 та мурожаат келиб тушган ва шунча хотин-қизни ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордерлари расмийлаштириб берилган.

Гурухларга бўлинганда: 106 та жинсий, 234 та иқтисодий, 18 777 та руҳий, 13 658 та жисмоний зўравонлик ҳамда 7 174 та тазиик ҳолатлари аниқланган. Энг ёмони, зўравонлик ҳолатларининг 34 330 таси ёки 87 фоизи оилада содир этилган. Бу жуда ачинарли. Фоиз ҳисобида кўрсатилган ушбу рақамлар ортида қанча қизнинг синган тақдири, топталган шаъни ва қадр-қиммати ётибти. Олий Мажлиснинг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) номига йўлланган мурожаатлар таҳлили, 2021 йилнинг 15 апрелига қадар хотин-қизлар томонидан 20 га яқин жинсий ва жисмоний зўравонлик, руҳий тазиик ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлари бўйича мурожаат келиб тушганини кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1995-йил қўшилган “Хотин-қизлар хукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенсиясининг З-моддасига асосан, иштирокчи давлатлар еркаклар билан тенглик асосида хотин-қизларнинг инсон хукуқлари ҳамда асосий еркинликларини рўёбга чиқаришлари ва улардан фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида хотинқизларнинг ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамма тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўришлари белгиланган ва бугунги кунда қонунчилигимизга имплементация қилинган.² Миллий қонунчилигимизда авваламбор Конституциямиз, шунингдек ҳалқаро стандартларга мос хотин-қизларнинг хукуқларини кафолатловчи маҳсус қонунлар, шунингдек бир қанча норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва еркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Конунида жинс бўйича камситишга 2 Хотин-қизлар хукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенсиясининг З-моддаси⁷ йўл қўймаслилик ҳамда хотин-қизлар ва еркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари белгиланган.³ Қолаверса, “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ҳам хотин-қизларнинг хукуқлари, еркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.⁴ Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020-йил 4-январ куни 3-сон Қарори билан “Тазиик ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Мазкур Низом билан тазиик ва (ёки) зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини берилиши ва тазиик ва (ёки) зўравонлик содир етган ёки содир

етишига мойил бўлган шахсларга бир қатор чекловлар ёки тақиқлари ўрнатилиши, келгусида тазийк ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб етади. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳимоясига қаратилган шунча ҳуқуқий механизмлар бўла туриб, уларнинг таҳқирланаётганликлари албатта ачинарли. Барчамиз ёдда тутишимиз зарур! Барча хотин-қизлар давлат ҳимоясида. Ҳеч ким уларни таҳқирлашга, ҳуқуқларини поймол этишига ва еркинлигини чеклашга ҳақли емас! Тадқиқотнинг мақсади қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тадқиқ этиш орқали профилактика инспекторининг номусга тегиши жиноятларининг виктимологик профилактикаси фаолиятини такомиллаштиришига қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Тадқиқотнинг вазифалари: 3 “Хотин-қизлар ва еркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 4 Хотин-қизларни тазийк ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 8 содир этиладиган номусга тегиши жиноятларни илмий таҳлил қилиш ҳамда уларга оид таянч тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш; номусга тегиши жиноятларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини илмий таҳлил қилиш ва уларга хос хусусиятларни аниқлаш; номусга тегиши жиноятларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, таснифлаш ва илмий таҳлил қилиш; номусга тегиши жиноятларни содир қилган ва бундан жабрланган шахсларнинг ўзига хос жихатларини аниқлаш ва илмий таҳлил қилиш асосида тоифалаш; номусга тегиши жиноятларнинг виктимологик профилактикаси оид хорижий давлатлар илфор тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиши хусусида таклифлар тайёрлаш; номусга тегиши жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш. Тадқиқотнинг обьекти номусга тегиши жиноятларнинг виктимологик профилактикаси билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир. Тадқиқот предметини номусга тегиши жиноятларнинг виктимологик профилактикаси оид илмий-назарий қарашлар ҳамда уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар, шу қаторда бу соҳавий хизматнинг мазкур йўналишдаги фаолияти ташкил қиласди. Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларидан кенг фойдаланилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат: Номусга тегиши жиноятлари жабрланувчиларининг ҳаётий тажрибаси, маълумот даражаси ва ҳуқуқий онгининг пастлиги, қўрқоқлиги, ўзларига нисбатан содир қилинган жинсий тажовузни ички муаммо сифатида баҳолаб, уни ошкор қилмаслиги ҳамда келгусида бу ҳолатлар ошкор бўлса жамиятда шарманда бўлиши оиласи обрўнинг тўкилишидан қўрқиши каби ҳолатлар номусга тегиши 9 жиноятларининг латентлик даражасининг янада ошишига асосий омил эканлиги

асослантирилган; номусга тегиши жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг таснифи тайёрланган; номусга тегиши жиноятларининг нафақат виктимологик профилактикаси, балки умумий, маҳсус, якка тартибдаги профилактикаси оид чоратадбирларни янада самарали ташкил этиши учун жамоат бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш кераклиги исботланган; номусга тегиши жиноятларининг виктимологик профилактикаси бўйича илғор хориж тажрибалари таҳлил қилинган, умумлаштирилган ҳамда қонунчилик тизимини такомиллаштириш бўйича илмий исботланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг амалий натижаси. Номусга тегиши жиноятларининг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар фуқароларнинг тинч ва осойишта яшаш, ўз ҳукуқ ва эркинликларидан тўла қонли ҳамда кафолатланган ҳолда фойдаланиш учун имкон яратишга кўмаклашади. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида тайёрланган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялардан мавзуга оид миллий қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини ривожлантиришда, шунингдек, жиноят ҳукуқи, маъмурий ҳукуқ, ички ишлар бўлимлари профилактика фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан янада кенгайтиришда, шунингдек ушбу йўналишдаги янги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилиши норма ижодкорлиги ва профилактика инспекторининг номусга тегиши жиноятларининг виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкилий-ҳукукий жиҳатдан таъминлаши билан аҳамиятлиdir. 10 Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва хажми. Битирув малакавий иш кириш, Зта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва шартли қисқартмалар рўйхатидан иборат.“жинсий зўравонлик”, “жинсий эркинлик”, “аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиш” “тазийик ва зўравонликдан жабрланувчи”, “тазийик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш”, “тазийик ва зўравонликнинг олдини олиш”, “ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси” атамаларнинг тушунчаси мавжуд. Биргина жиноят ҳукукий доирада жинсий эркинлик нима эканлиги ва унинг бузилишига доир тушунчалар, жавобгарлик шакллари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 118-моддаси номусга тегиши жинояти деб аталади. Ҳар бир жиноятнинг ўз таркибий элементлари бўлади. Айнан таркибнинг мавжудлиги қилмишни жиноят ёки жиноят эмаслигини белгилайди. Шундай қилиб жиноят таркиби жиноятнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўзида жиноятнинг барча аломатларини мужассамлаштирган бўлади ва шу аломатларнинг шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишда мавжуд эканлиги қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Жиноят

таркибининг тўрт белгиси элементлар орқали таърифланса, ҳар бир томони эса муайян аломатлар орқали ифодаланади. Объектив белгилар деганда жиноят таркибининг обьекти ва обьектив томонларини таърифловчи белгилар назарда тутилади, субъектив аломатлар деганда эса, жиноятнинг субъектив томони ва жиноят субъектини ифодаловчи белгиларга айтилади. 11 Жиноятнинг обьекти жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз туфайли унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатларга, масалан, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, давлат манфаатлариға, мулк ҳуқуқини амалга оширишга, одил судловни амалга оширишга хўжалик ёки қтисодий фаолият ва бошқаларга зиён етказади. Жиноят таркибининг иккинчи элементи унинг обьектив томонидир. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноятлар обьектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Бироқ қўпчилик қилмишларни жиноят деб ҳисоблаш учун у туфайли рўй берган маълум бир оқибатларини аниқламоқ зарур. Амалга оширилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиқсан оқибатлар орасидаги сабабий боғланиш моддий таркибли жиноятларнинг учинчи, зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноятнинг обьектив томони факультатив белгиларисиз тўла бўлмайди. Демак, жиноятнинг обьектив томони: ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва унинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек, факультатив белгилар: жойи, вақти, усули, шароити, жиноятни амалга ошириш қуроли ва воситаси сингари белгилардан иборатдир. Жиноят таркибининг учинчи элементи унинг субъектив томонидир. Жиноят таркибининг субъектив томони жиноий қилмишнинг ички томони бўлиб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатлариға бўлгаи руҳий муносабатини кўрсатади. Бунда айбидан ташқари жиноятнинг субъектив томонини таснифловчи мотив ва мақсад ҳам мавжуд бўлади. Жиноят таркибининг тўртинчи элементи уни содир этган шахс, яъни жиноятнинг субъектидир. Жиноят кодекси 17-моддасига биноан жиноий жавобгарликка жисмоний шахслар тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси жинояг ҳуқуқига биноан фақат жисмоний шахсларгина жиноятнинг субъекти 12 бўлиши мумкин.5 Номусга тегиш жиноятида айнан жиноят обьекти фуқоролар томонидан тушунилмай қолинади. Куйида шу холатга изоҳ берамиз. Жиноят Кодекси 118-моддасининг обекти шахснинг эркин жинсий ҳаётини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Хўш жинсий эркинлик ўзи нима? Жинсий эркинликка таҳдит, тажоввуз нима? Жинсий эркинлик бу- ҳар бир шахснинг ўзи истаган бошқа жинсдаги шахс билан ихтиёрий жинсий яқинликка кира олиши демакдир. Жинсий эркинликка тажоввуз эса, шахснинг ихтиёрига қарши бориб бир шахс томонидан иккинчи шахсга куч ишлатиш, зўрлик қилиш, уни ожиз

ҳолатга келтириш, ёхуд шахснинг ожизлигидан фойдаланиб ёки реал хавф билан кўркитиши орқали жинсий яқинлик қилиш тушунилади. 6 Номусга тегиш деганда (ЖК 118-моддаси), аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўркитиб (бундан буён матнда-таҳдид этиб) ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим. Агар ўша ҳолатларда айборнинг ҳаракатлари жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган бўлса, қилмиш ЖК 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қонуннинг мазкур моддаси билан жиноий жавобгарлик бундай ҳаракатлар аёл жинсидаги шахсга нисбатан ҳам, эркак жинсидаги шахсга нисбатан ҳам содир этилганда келиб чиқади. Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчининг қаршилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўлларини сиқиши, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва х.к.лар тушунилади. Агар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айборнинг 5 Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм) М.Ҳ.Рустамбоев 131-132-бет 6 Жиноят ҳуқуқи (махсус қисм) М.Ҳ.Рустамбоев Тошкент 2018. 192-193-бет13 ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси ва ЖК 104-моддасининг тегишли қисми мажмуи билан квалификация қилинади. Таҳдид этиш деганда жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида уни жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлар ёки сўзлар билан қўркитиши тушунилиши лозим. Таҳдид этиш, жумладан ўлдириш билан таҳдид этиш номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчининг қаршилигини енгиш усулларидан бири эканлиги сабабли, айборнинг ҳаракатлари ЖК 112-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди. Айни пайтда, агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёкиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавфли усулда нобуд қилиш билан таҳдид этиш номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини қўркитиши ва воқеа ошкора бўлишининг олдини олиш мақсадида билдирилган бўлиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга доир етарли асослар мавжуд бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг қайд этилган жиноявлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖК 118-моддаси ёки 119- моддасининг тегишли қисми мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Мирзиёев Ш. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти. – Т.: НМИУ, 2017 – 32 б.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 488 б.
- 3.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 592 б.
- 4.Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётининг кафолатидир. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018 – 64 б.
- 5.Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизгаберилган олий баҳодир. – Т.: «Ўзбекистон», 2018. – 508 б.
- 6.Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ вакелажаги фаровон бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2019. – 400 б